SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 13-MAY ■ SESHANBA ■ 61 (27.081) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«Мен ўзбек шоириман...»

Мамлакатимизда миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиёти йўлига бағишлаган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг кўплаб улуғ фарзандлари номини тиклаш, қадрини эъзозлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли хайрли ишларнинг самарасидир.

Истиқлол йилларида номи муносиб равишда қадр ва эъзоз топган, хусусан, давлатимиз раҳбари Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган ана шундай ватандошларимиздан бири — атоқли ўзбек адиби, академик Ғафур Ғулом таваллудига 100 йил тўлди.

Таъкидламоқ жоизки, мамлакатимизда адиб юбилейига катта тайёргарлик кўрилди. Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори қабул қилинди. Ана шу қарорга мувофиқ Тошкентнинг Арпапоя кўчасидаги Ғафур Ғулом уй-музейи қайта таъмирланди. Асарлари қайта нашр этилди. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисолалар босмадан чиқди.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги адиб ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган танловда ўттиздан зиёд профессионал ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарош ўзининг ижодий иши билан қатнашди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги хушманзара боғда энг муносиб деб топилган лойиҳа — ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ва архитектор Валерий Акопжанян ижоди асосида Ғафур Ғулом ҳайкали қад ростлади.

10 май. Адиб ҳайкали ўрнатилган боғ байрамона безатилган.

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, шоирнинг мухлислари, жамоатчилик вакиллари, қариндошуруғлари йиғилди.

Соат 9.45. Тантана иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғуломнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросимни Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоабдурахмонов очди.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилди.

— Бугун Ўзбекистонимизнинг маданий ва маънавий ҳаётида катта бир воқеа, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугун халқимиз ўзининг севимли шоири, буюк адибимиз, академик Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйини нишонламоқда.

Домла Ғафур Ғулом шахси, хотираси ва мероси ҳақида гапирганда, биз бу улуғ инсонни, аввало кенг, том маънода халқ шоири деб қиёс этамиз, унинг ўлмас номи ва сўнмас ижоди олдида бош эгамиз.

Халқимизнинг асл табиати, теран маънавиятини, орзу-интилишларини ҳақиқий ўзбекона тил ва тафаккур билан ифода этган, адабиётимизнинг яқин тарихида камдан-кам топиладиган Ғафур Ғуломдай беназир ижодкор кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Ўз сиймосида халқни халқ, миллатни миллат қиладиган эзгу фазилат ва аломатларни мужассам этган бу забардаст сўз санъаткори «Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман» деганида мутлақо ҳақ эди.

Ғафур Ғуломни биз аввалambор Ўзбекистонимизнинг табарук тупроғини жон-дилидан севган, ўз тақдирини она юрт тақдири билан чамбарчас боғлаган, бошига дўпписини дол қўйиб, жаҳонга бағрини кенг очиб, ўзининг оддий ва соддалиги, айни пайтда буюклиги билан ажралиб турадиган инсон сифатида тасаввур этамиз, дея таъкидлади Юртбошимиз.

Ғафур Ғулом ижодининг яна бир ажойиб қирраси — муқаддас Ватанимизни улуғлашда, бепоён ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғу тош ва даладаштларида яшайдиган одамлар қалбида она юртга муҳаббат ва ғурур-ифтихор уйғотишда айниқса яққол кўринади.

Ўз халқининг шаъни ва обрўсини дунёга тараннум этишни, керак бўлса, уни ҳимоя қилишни дил амри, виждон иши деб билган Ғафур Ғуломнинг шўро давридаги турли тазйиқларга қарамай, «Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир» дея баралла айтган сўзлари ҳар биримизнинг ғуруримизга ғурур, фахримизга фахр қўшади, албатта.

Ўйлайманки, унинг юртимизни, миллатимизни камситмоқчи бўлган айрим кимсаларга қарата, бизнинг аждодларимиз логарифманинг мураккаб масалаларини ҳал қилган пайтда, сизларнинг ота-бобонгиз ўн бармоқни ҳам санай олмасди, деган шеърий жавобини бугун ҳам кўпчилик яхши эслайди.

Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлиб турган мустабид бир замонда мана шундай дадил фикрларни айта олган буюк шоирнинг маънавий жасорати олдида таъзим қилсак арзийди.

Ғафур Ғулом ҳақида сўз юритганда, биз аввало бу инсонга худонинг ўзи ато этган яна бир хусусиятни — унинг табиатига хос бўлган юксак инсонпарварлик фазилатини айниқса қадрлаймиз, — деб сўзида давом этди мамлакатимиз раҳбари. — Миллатимизнинг қонига, суяк-суягига сингиб кетган бундай эзгу туйғуларни зўр маҳорат билан баланд пардаларда куйлаган бу улуғ ватандошимизнинг ижоди шу боис ҳам жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида шуҳрат қозонган.

Ғафур Ғулом ўзининг «Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим» деган шафқат тўла сўзлари билан Иккинчи жаҳон урушида ота-онасиз қолган, турли миллат ва элатга мансуб бўлган минглаб етим болаларнинг бошини силаган ўзбек халқининг бағрикенглигини, чексиз меҳру саховатини бутун дунёга кўрсатиб берди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ғафур Ғуломдек буюк зотнинг ижодий мероси ҳақида, унинг беқиёс аҳамияти ҳақида кўп гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Буни шоир ижодининг мухлислари бўлган сиз азизлар яхши биласиз, — деди Юртбошимиз. — Бугун Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Ўзбекистонимизнинг олис-яқин барча жойларида адабиёт ва санъат аҳли, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз илмий анжуман ва мушоиралар, учрашув ва хотира кечалари ўтказиш орқали бу улуғ инсонга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этмоқда.

Шоир туғилиб ўсган, ўзи чексиз меҳр билан улуғлаган азим Тошкент шаҳридаги энг чиройли боғда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар билан доимо гавжум бўладиган гўзал масканда қад ростлаган мана шу улуғвор ҳайкал ҳам халқимизнинг Ғафур Ғулом даҳосига бўлган ҳурмат ва эҳтиромининг яна бир тимсолидир.

Йиллар, асрлар ўтади. Ишонаманки, келажак авлодларимиз Ғафур Ғуломнинг ҳали кўп-кўп таваллуд тўйларини нишонлайди, — қайд этди Ислом Каримов. — Шубҳа йўққи, бу улуғ зотнинг Ватанга садоқат, ҳаётга, инсонга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган бетакрор асарлари янги насларнинг ҳам маънавий-руҳий шаклланишига, ёшларимизнинг камолотига хизмат қилади.

Фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш ва шу ҳаётдан баҳраманд бўлиб яшашида доимо ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб туради.

Ва бу буюк шоир яқин тарихимизда яшаб ўтган ўнлаб маданиятимиз намояндалари қаторида ўзбек адабиёти ва санъатининг ёрқин машъали бўлиб қолади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, — деди Президентимиз пировардида. — Ғафур Ғуломнинг асарлари, номи ва хотираси боқий бўлсин.

Давлатимиз раҳбари шоир ҳайкали қад ростлаган ушбу боғни Ғафур Ғулом номи билан аташ таклифини билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ғафур Ғуломнинг қизи Олмос Аҳмедова, адибнинг ўғли Хондамир Ғуломов, ёш шоир Иқбол Мирзо бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш, асраб-авайлаш ва улуғлаш йўлида кўрсатаётган катта ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Тадбир якунида Президентимиз Ғафур Ғулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

✧✧✧

Суратларда:
тантанадан лавҳалар.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Шоирга эҳтиром

Мамлакатимизда Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом таваллудининг юз йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу санага бағишлаб турли тадбирлар ўтказилмоқда.

10 май куни Ғафур Ғуломнинг уй-музейи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, маданият арбоблари, олимлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Юбилей муносабати билан адибнинг уй-музейи ҳам ўзгача кўрк кашф этди. Музей атоқли ижодкорнинг қайта нашр этилган асарлари, фотосуратлар билан бойиган. Бу ерга ташриф буюрганлар зиёратни янги экспонатлар билан танишишдан бошлади.

Ҳовлидаги Ғафур Ғулом ҳайкали пойига гулчамбар қўйилиб, адиб хотирасига яна бир бор ҳурмат бажо келтирилди.

Бу ерда устоз адибнинг адабиётимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси, инсоний фазилатлари ҳақида гапирилди.

✧✧✧

Ўзбекистон Фанлар академиясида «Ғафур Ғулом ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Шоир таваллудининг юз йиллигига бағишланган мазкур анжуман Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар шоир ижодининг янги тадқиқ этилган қирралари, асарларининг бадиий қиммати, маънавий ва илмий аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Тарих саҳифаларидан XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакили сифатида ўрин олган Ғафур Ғулом ўзининг бетакрор асарларию ҳозиржавоб мақолалари билан маданиятимиз хазинасига бебаҳо улуш қўшган ижодкорлардан.

Унинг «Сен етим эмассан», «Мен яҳудийман», «Соғиниш», «Вақт», «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» сингари шеърлари, «Ёдгор», «Шум бола», «Нетай», «Менинг ўғригина болам» каби қиссаларию ҳикоялари адабиётимизнинг нодир дурдоналарига айланган.

Академик Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг танланган асарлари, ижодини тамомила янгича қарашлар асосида тадқиқ ва тарғиб этувчи бир қанча илмий ҳамда илмий-оммабоп рисолалар нашр этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида эса «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда адибнинг шогирдлари, олимлар устознинг шеърий ва насрий ижоди, меҳрибон устозлиги, ўзбекона инсоний фазилатлари ҳақида гапирдилар. Унда Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ саҳна ва кино асарларидан парчалар намойиш этилди.

(ЎзА)

Металлурглар ғайрати баланд

ТОШКЕНТ. Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металлар парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топшириш назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Комбинатни хомашё билан таъминлашнинг апрель ойи якунларига бағишланган ушбу йиғилишда тегишли вазирликлар, идора, уюшма, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бекободлик металлурглар ташкилотлардан йилнинг биринчи чорагида режадагидан салкам тўрт ярим минг тонна кўп иккиламчи металл хомашёси қабул қилиб олган эди. Бу эса мамлакат иқтисодиётида катта аҳамият касб этувчи корхонанинг барқарор ишлашини таъминлади. 116,9 минг тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 106,3 минг тонна тайёр металл прокати етказиб берилди. Айни чоғда республика халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қурилиш арматуралари, кон-металлургия саноатида ишлатиладиган пўлат зўлдирларни четдан келтиришга барҳам берилди. Бундай маҳсулотларни четга чиқариш, валюта заҳираларини иқтисод қилиш имконияти кенгайди.

Апрель ойида корхона тарихида илк бор 47 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. 13 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Айни пайтда комбинат тўла қувват билан ишлатилса, ойига 60-65 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзметкомбинат»га йилнинг биринчи чорагида иккиламчи металл хомашёси топшириш бўйича ҳукумат топшириғи мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида ортиғи билан бажарилди. Лекин апрель ойида белгиланган режа уддаланмади.

Йиғилишда металл парчаларини қайта ишлашга топшириш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар олдига белгиланган жадвалга қатъий риоя этиш, апрель-май ойларидаги режани 1 июнга қадар бажариш вазифаси қўйилди.

ТОШКЕНТ. Оққўрғон туманида вилоят қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва баҳорги экиш мавсумининг бугунги аҳволига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республика мутасадди ташкилотлари раҳбарлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари ҳамда туман ҳокимлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков бошқарди.

Кўкламнинг ҳар бир куни ғанимат

Йиғилишда вилоятда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Вилоят пахтакорлари кўклам ҳавосининг инжиқликларига қарамай, шу кунгача режадаги 108 минг гектар майдонга чигит қадаб бўлди. Сўнгги кунлардаги кучли жала ва ёғин туфайли ўн минг гектарга яқин майдонда чигит қайтадан экилди. Айни пайтда 84 минг гектар майдонда тўлиқ кўчат ундириб олинди. Чигит униб чиққан майдонларда ғўзага ишлов бериш ишлари бошлаб юборилди. Агротехник тадбирларни амалга ошириш учун мингдан зиёд техника жалб қилинган.

Йиғилишда вилоят ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

(ЎзА мухбири Лутфулло СУВОНОВ).

Ҳоким ва журналистлар мулоқоти

Оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шароитлар яратиш борасида Денов туманида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Туман ҳокими Абдулҳаким Эшмуратовнинг ташаббуси билан кейинги пайтда бир неча марта журналистлар билан учрашув, давра суҳбати ва ўзаро мулоқотлар бўлиб ўтди.

Туман «Чағониён» газетаси ва «АТР» телевидениеси ходимлари билан бўлган бу галги учрашув ҳам барчада яхши таассурот қолдирди.

— Туманимиз нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам ўз салоҳиятига эга, — деди ҳоким ўз сўзида. — Тўғри, муваффақиятларимиз билан бир қаторда олдимизда улкан вазифалар, ўзига яраша муаммолар ҳам бор. Шундай экан, баҳамжиҳат меҳнат қилсак, албатта, кўзланган мақсадга эришамиз.

Бугун туманда саноат, қишлоқ хўжалиги, маориф, медицина ва бошқа соҳаларда ижобий натижаларга эришилмоқда. Германия, Италия, Франция ва бошқа хорижлик ишбилармонлар билан ўзаро шартномалар имзоланди. Бундай ютуқларда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам ҳиссаси борлиги алоҳида эътироф этилди.

— Шундай ўзига хос мулоқотлар, албатта, ўз самарасини беради, — дейди «Чағониён» газетаси бош муҳаррири Зойир Мамажонов. — Яқин кунларда газетамиз қошида нашриёт, радио, телевидение ташкил этилади. Бугунги йиғилишда журнал чоп этишни ҳам келишиб олдик. Демак, биргаликда фидойи бўлиб меҳнат қилсак, юртимиз, Ватанимиз янада обод бўлади.

Учрашувда журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Бремен федерал ери делегациясининг ташрифи

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Шаҳноза Матназарова). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германиянинг Бремен федерал ери делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров билан учрашди.

Суҳбат чоғида томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикрлашди. Ўзбекистон томони Бремен федерал ерининг Самарқанд вилояти шифохоналарига кўрсатаётган техникавий ёрдамига юқори баҳо берди.

Германиянинг Федерал кўнгилли ишчи санитарлар иттифоқи раиси Фритц Теппервиен бошчилигидаги мазкур делегация Ўзбекистонга ташрифи асосида Самарқанд вилоятида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Вилоят шифохоналарига қиймати 30 минг еврога тенг рентген ускуналари тақдим этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 13 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	629,70	1 Польша злотийси	258,60
1 Англия фунт стерлинги	1558,84	1 СДР	1360,31
1 Дания кронаси	151,20	1000 Туркия лираси	0,65
1 БАА дирхами	263,95	1 Швейцария франки	742,41
1 АҚШ доллари	969,37	1 ЕВРО	1121,95
1 Миср фунти	163,19	10 Жанубий Корея вони	8,11
1 Исландия кронаси	13,31	10 Япония иенаси	82,96
1 Канада доллари	699,75	1 Россия рубли	31,17
1 Хитой юани	117,12	1 Украина гривнаси	181,75
1 Малайзия рингити	255,13		

**** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

— Навоийни севмоқ — ўзбекни севмоқдир. Навоий бобомизнинг Ҳиротдаги хоки ва мўътабар зиёратгоҳини обод қилиш, буюк аждодларимиз руҳини ёд этиш ҳар биримизнинг кўнглимиздан жой олган эзгу орзу-истакдир.

Ислом КАРИМОВ

НАВОИЙнинг нурли хотираси

НАВОИЙ ВА ҲИРОТ

XV асрнинг бошларида мамлакатда бўлиб ўтган алғов-далғовлардан сўнг буюк соҳибқирон Амир Темур тузган катта империя парчаланиб кетди. Унинг асосий бўлаклари бўлмиш Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳокимият Амир Темурнинг кичик ўғли Шоҳрух Мирзо қўлига ўтди. У Мовароуннаҳрни ўғли Улуғбек Мирзога берди, ўзи эса Хуросон пойтахти Ҳиротда қолди.

Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳр пойтахти Самарқандда қирқ йил ҳукмронлик қилди. Бу давр ҳар иккала ўлка Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг бирлиги, ягона иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётга эга бўлгани туфайли ватанимиз тарихида ёрқин саҳифаларга айланди.

1447 йили Шоҳрух Мирзо вафот этди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас Улуғбек Мирзо ёвуз фитначилар томонидан ўлдирилди. Шу билан яна сиёсий курашлар, тахту тож талашув авж олиб кетди.

Ниҳоят 1469 йили Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон пойтахти Ҳиротда ўз ҳокимиятини ўрнатди. У дарҳол ўзининг дўсти ва маслакдоши Алишер Навоийни Ҳиротга чақирди. Бу вақтда шоир Самарқандда таҳсилда эди. У асли Ҳиротда туғилиб ўсган. Ҳирот, Машҳад, Марв, Самарқанд шаҳарларида таҳсил олган эди. Ҳиротга қайтиб келган Навоийга Султон Ҳусайн юксак давлат лавозимини берди. Шоир бир умр Султоннинг энг яқин маслаҳатчиси, мамлакатдаги энг обрўли, нуфузли давлат арбобларидан бири бўлиб қолди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот шаҳри улкан сиёсий, маданий ва адабий марказга айланди. Бундай тараққиётни амалга оширувда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёсдир.

Навоий давлат арбоби сифатида мамлакат ободончилиги, маданий, илмий тараққиётига кўп аҳамият берар эди. У ўзига қарашли бўлган ер-сув, боғ-роғ, дўконлардан тушган катта даромадни ана шу мақсадларга сарф қилар, илм-фан, адабиёт, санъат аҳлига бағишлар, элу юрт, подшоҳ хизмати, қўшин харажатларини қопламоққа берар эди.

Навоий жуда кўп мадраса, масжид, хонақоҳлар, шифохона, ҳаммом, лангар (ғариб мусофирларга бошпана), йўл, кўприк, ариқлар барпо этган.

Навоий она шаҳри Ҳиротни севар, уни гўзал шоирона ифодаларда тавсифлар эди:

Хуросон бадандир, Ҳирий жон анга
Ҳирий жон, бадандир Хуросон анга.

Жаҳон иқлимларининг сийнаси Хуросон бўлса, бу сийнадаги кўнгил Ҳиротдир, деб ёзади Навоий. Кўнгил эса бадан мулкининг султонидир. Шунинг учун киши бу гўзал шаҳардан кўнгил узолмайди:

Бўлди кўнгил ўрнида бўлмак иши
Ким кўнгил ондин уза олмас киши.

Ҳирот шаҳри маҳаллаларга бўлинган. Ҳар бир маҳалла ўзи бир шаҳар каби. Уларнинг ҳар бири бир-биридан фарқли. Шаҳарнинг жанубида бир неча анҳорлар (руд) оқади. Шимолида эса икки дарё уни сувга сероб этади.

Алишер Навоий 1501 йили 3 январда Ҳирот шаҳрида дунёдан ўтди. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, уни ўзи курдирган масжиди жомеъ ёнидаги гумбаз ичига дафн этдилар. Бу гумбаз шу мақсадда олдиндан қуриб қўйилган экан.

ЁР БЎЛИНГ БИР-БИРИНГИЗГА...

Ҳирот шаҳри ҳозир Афғонистон еридадир. Навоий дафн этилган жой сақланган. XX асрнинг ўрталарида Ўзбекистон ҳужжатли кино усталари Афғонистонда кўпгина фильмлар суратга олганлар. Ўша пайтда машҳур ҳужжатли фильм санъаткори Малик Қаюмов Ҳирот — Қандаҳор йўлига оид бир ҳужжатли фильм яратган эди. Унда ҳозирги Ҳирот шаҳри ва тарихий ёдгорликларга доир лавҳалар бор. Навоийнинг мақбараси ҳам суратга олинган. Шу суратнинг бир нусхасини Малик Қаюмов менга тақдим этган. Бу сурат ҳамон менинг иш хонамда осиғлиқ. Бу мақбарани Навоийнинг мухлисларидан бири кейинги йилларда бино қилдирган.

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бир кичик гуруҳни Афғонистонга юборди. Унинг таркибида мен ҳам бор эдим. Бизга ўша вақтдаги Афғонистон давлат идоралари билан Навоий оромгоҳи ва унинг атрофини обод қилиш тўғрисида маслаҳатлашув топширилган эди. Аммо у вақтда Афғонистонда ички низолар давом этар, Ҳирот шаҳри мужоҳидлар қўлида бўлиб, Навоий оромгоҳи жойлашган ерларга миналар ўрнатилган экан. Шунинг учун Афғонистон Маданият министрлиги бу масалани ҳарбий ҳаракатлар тўхтагач муҳокама қилмоқ мақсадга мувофиқ бўлар, деган фикр изҳор этди.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Афғонистонда ҳокимиятга толиблар келдилар. Мамлакатда қора реакция авж олди. Толиблар тоғ бағрида неча асрлар муқаддам ясалган Будда ҳайкалини портлатиб бузиб ташладилар. Хайриятки, толиблар Навоий мақбарасига ҳамла қилмоққа улгурмаганлар.

Ҳозир Афғонистон халқи ўзининг янги ҳаётини қурмоққа киришган. Энди улар Навоийнинг доҳиёна ўгитига амал қилсалар ёмон бўлмас эди:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлик,
Ёр бўлинг бир-бирингизгаки,
эрур ёрлиғ иш!

ЮКСАК ҲИММАТ

Яқинда Ўзбекистон Олий Мажлисининг сессиясида Президентимиз Ислом Каримов хорижий мамлакатлардаги буюк аждодларимизнинг оромгоҳларини обод қилиш тўғрисидаги таклифларини баён этдилар. Бу олийжаноб сўзлар ҳар бир соф виждонли, маърифатпарвар кишининг юрак юрагига бориб етди. Ҳозир Ҳирот шаҳридаги Навоий оромгоҳи ана шундай эътиборга муҳтож.

Эҳтимол шу аянч аҳволни кўзда тутиб Алишер Навоий бир ғазалида ўкинч билан ёзган эди:

Фидо руҳум қуши ул
чуғзғаким, эски қабримда
Эрур ҳам навҳагар андуҳ
бирла ҳам мужовирдур.

Маъноси: Эски қабрим устидаги бойқушга руҳим қушини фидо этайин,

Чунки у бу ерда ҳам қайғуриб нола қилади, ҳам муқим яшайди.

Эй улуғ устоз, сизнинг эски қабрингиз тупроғини ўзбек халқи кўзига суртади. Унинг гарди ҳаммамиз учун тўтиёдек азиз. Халқимиз сизнинг руҳингиз қушининг мағрур парвозини тилайди, бунинг учун лозим ҳамма ишларни амалга оширмоққа астойдил бел боғлаганмиз. Бу муқаддас даргоҳда ўз вақтида бизнинг олимларимиз бўлганлар, уни зиёрат этганлар. Академик шоир Ғафур Ғулом ўша ерда эканида «Навоий қабри устида» сарлавҳали шеърини ёзган. Унда шоир улуғ устоз Навоийга «Самарқанд, Андижон, Тошканду Урганжу Бухородан, ўзининг нашъу намо топган шарафли, шонли маъводан... ажаб гулдаста келтирдим унга заррин таноб айлаб» дея мурожаат қилган.

Бу йил ўзининг ўн икки йиллик мустақил ҳаётини кечираётган шонли Ўзбекистон шу қисқа муддат ичида Алишер Навоий хотирасини абадийлаштирмоқ соҳасида кўп ишларни амалга оширди.

Истиқлолимизнинг биринчи йили (1991) Навоий йили деб аталди. Ўзбекистонда буюк шоир ва мутафаккирнинг туғилганига 550 йил тўлгани катта маданият байрами сифатида нишонланди. Бу қутлуғ санага муносиб совға Тошкентда Навоий боғининг яратилиши бўлди. Бу ерда Навоийнинг янги улуғвор ҳайкали қад кўтарди. Ҳозир бу жой Ўзбекистон халқи ва хорижий меҳмонлар учун муборак саждагоҳга айланиб кетган.

Ҳирот. Гавҳаршодбегим (чапда) ва Алишер Навоий мақбараси. 1994 йил.

Тошкентдаги Навоий боғи ва ҳайкалининг барпо этилмоғи Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва ҳиммати билан амалга ошди. Мен ўша вақтда Навоийнинг 550 йиллигини ўтказиш бўйича ташкилий комитет масъул котиби эдим. Ҳамма икир-чикирлардан хабарим бор. Бу масала муҳокама этилганда айрим меъморлар бир шаҳарда Навоийга иккита ҳайкал ўрнатиш зарурми деб чиққан эдилар. Раҳбариятдан баъзи кишилар ҳам шундай фикрда бўлганлар. Тортишувлар давом этди. Бу гапларга Ташкилий комитет раиси Президентимиз чек қўйдилар. Тошкентнинг қоқ марказида катта кўл ва Халқлар дўстлиги саройи ўртасидаги ерларда боғ яратиш ва Навоийнинг улкан ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида фармойиш бердилар. Бу фармойиш ижроси қаттиқ назорат остига олинди. Натижада тез фурсатда пойтахт марказидаги қаровсиз жой обод бўлди. Гўзал боғ, Навоий ҳайкали юзага келди. Бу ҳайкалнинг очилиш маросимида Ислом Каримов нутқ сўзлаб, Навоий ижоди халқимизнинг улуғ бойлиги экани, уни ўрганиш ва ташвиқ этиш республикамизнинг истиқболини қуришда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

Президентимизнинг Навоий ижодий меросини оммалаштиришдаги саъй-ҳаракатлари доимийдир. 2001 йили Навоий шаҳрида Навоийнинг туғилганига 560 йил тўлиши муносабати билан сўзлаган нутқида ҳам И.А.Каримов Навоийнинг ўзбек халқи ва жаҳон маданияти тарихида эгаллаган ўрни нақадар юксак эканини алоҳида кўрсатиб ўтдилар.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда Навоийнинг 20 жилддан иборат тўла асарлар тўплами (куллиёти)нинг нашр этилмоғи ҳам бевосита республика Президентининг ташаббуси ва ҳиммати билан амалга оширилмоқда.

Мана энди улуғ шоиримиз, олим, мутафаккир, доно давлат арбоби Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги оромгоҳини обод қилиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Бу ғоят хайрли ва муборак бир иш. Унинг ижодкори ҳам муҳтарам Президентимиздирлар. Бу юксак ҳиммат самараси бўлмиш амалнинг ижро этилмоғига умидимиз катта.

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР

Алишер Навоий барҳаёт эканида улуғлар хотирасини мудом эъзозлаган. У ўз устози, дўсти ва маслакдоши Абдураҳмон Жомий мозори устига бир иморат қурдирган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича «Жаннат боғининг хуш ислари ўша макон атрофидан эсиб туради, унинг гулистонлари жаннат баҳористонининг шуъалалари каби нур сочиб туради...»

Навоий яна Фаридуддин Аттор, Хожа Юсуф Хамадоний, Шамсуддин Муҳаммад Табодгоний, Пир Абул валид Аҳмад, Шайх Муҳйи каби улуғ зотларнинг сармозорларини обод қилган, хонақоҳ ва лангарлар қуриб, уларда фақир ва мискинларга паноҳ берган.

Навоий «Ҳайратул аброр» асарида ўтмишда Ҳиротнинг энг мўътабар зотларидан бири бўлмиш Хожа Абдуллоҳ Ансорийни улуғлаб таъриф қилган. Бу кишини бутун Ҳирот аҳли «Дема Ҳирот аҳли бари коинот» қибла деб билар эди. Хожа Абдуллоҳ Ансорий эътиқодда самимий ва ғоят садоқатли бўлган. Унинг ҳаётдаги шиори бундай эди:

Менки ишим бўлди
парасташ мудом
Бийму умид иккиси
бўлмиш ҳаром.
Қил дедиким,
қилмоқ эрур варзишим
Радду қабули ила
йўқ ҳеч ишим.

Маъноси:

Менинг доимий ишим (худога) сиғинишдир

Қўрқмоқ ёки бирор нарса умид қилмоқ иккаласи ҳам менга ҳаром.

Менинг машғулотим у нимани қилгин деган бўлса шуни қилмоқлик

Қилганларимни рад қиладими ёки қабул қиладими, бу билан ҳам ҳеч ишим йўқ.

Навоий чин эътиқодда Хожа Абдуллоҳ Ансорийни ибрат, намуна қилиб кўрсатади. Ҳаётининг охирги пайтларида (1499) Алишер Навоий Султон Ҳусайндан Ҳиротдаги Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг мозори жорубкашлигига (хизматкори бўлмоққа) ёрлиқ олди, «ва бор ҳимматини Хожа Абдуллоҳ Ансорий...нинг мозорини обод қилишга сарфлаб ўша руҳни орттирувчи мақомнинг ходимлари, саҳобалари ва арбобларига иньому эҳсонлар кўрсатиб ул биҳиштнишон равзанинг дарвишлари ҳамда мужовирлари (муқим яшагувчилари)нинг рутбасини зиёда қилдилар» («Навоий замондошлари хотирасида» Т. 1986).

Кўриниб турибдики, ўтмиш улуғ зотларнинг хотирасини иззат-ҳурмат билан ёдламоқ, уларнинг абадий оромгоҳларини обод ҳолда сақламоқ, бу жойларни зиёрат қилиб турмоқ халқимизнинг азалий одати, эзгу анъанасидир.

Мустақиллик миллий қадриятларимизнинг халқ ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кундан-кунга ошириб бормоқда. Ўз юртимизда бу соҳада кўп ишлар қилинди. Энди хорижий мамлакатлардаги илғор, тараққийпарвар кучлар билан ҳамкорликда бу эзгу анъаналарни ривожлантирмоқ айни муддаодир.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик

● ҚАДРИЯТ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

«Ипак йўлининг сўнгги сирлари»

Икки минг йил давомида Ғарбни Шарқ билан боғлаб турган Буюк ипак йўли саёҳатчи ва турли саргузашт иштиёқмандларини ўзига ром этиб келган. Буюк ёзувчи Лев Толстой жиянининг набираси Александра Толстая ҳам қадимий карвон йўли бўйлаб саёҳатга чиқишни ёшликдан орзу қилар эди.

Эдинбург университетини битириб чиққан ёш А. Толстая, уч дугонаси ҳамроҳлигида 1999 йилда от ва туяларда Марказий Осиё давлатлари ҳамда Хитой бўйлаб узоқ сафарларини бошладилар. Буюк Британия Қироллик жуғрофия жамияти кўмагида ташкил этилган ушбу саёҳат Қорақум чўлларида бошланиб, саккиз ойдан сўнг Хитойнинг Сиан шаҳрида ўз ниҳоясига етди. Саёҳатчилар бу давр мобайнида саккиз минг километрдан ортиқ йўл босиб ўтишди.

А. Толстая бу ғаройиб саёҳат ҳақидаги эсдаликларини яқинда нашр этилган «Ипак йўлининг сўнгги сирлари» китобида баён этиб, унинг катта қисмини қўҳна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бағишлади.

«Саёҳатимиз давомида биринчи қўнимгоҳимиз Бухоро шаҳри бўлди. Бу шаҳар ўз пайтида чўлу саҳролар ошиб келган саёҳатчи ва тожирлар учун ҳордиқ чиқариш учун жаннати макон эди. Биз бу ерда қўрган Минораи Калон, Арки Бухоро, мачитлар ва мадрасалар кишини ҳанузгача ҳайратга солади. Лаби ҳовуз бўйидаги дарахтлар соясига ғарқ бўлган чойхонада ўтириб, ўзбек таомларидан татиб кўрган дамлар ҳеч қачон унут бўлмаса керак», — деб хотирлайди муаллиф.

Китобнинг Самарқандга бағишланган алоҳида бобида А. Толстая, хусусан, шундай деб эслайди: «Самарқанд шаҳри менда Париж ёки Римдан кўра бошқачароқ ҳис-туйғулар уйғотади. Шаҳар номининг ўзигина кишини саёҳатларга чорлайди. Самарқандни бутун дунёга машҳур қилган Шарқнинг энг гўзал меъморчилик ансамбларидан бири Регистон майдони, Темурийлар давлати рамзи ҳисобланмиш Биби Хоним мачити ўзининг таровати билан мени лол қолдирди».

Александра Толстаянинг таъкидлашича, Буюк ипак йўли бўйлаб қилинган сафар саёҳатчиларда ўчмас из қолдириб, уларнинг ҳаётини янги мазмун билан бойитди.

Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонасида бўлиб ўтган китобнинг тақдимот маросимида Қиролича оиласи вакиллари, Буюк Британия парламенти аъзолари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

Мардон ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА



Суратларда: корхонанинг ташқи кўриниши; бош муҳандис ўринбосари Баҳодир Содиқов ва цех бошлиғи ўринбосари Баҳодир Ҳамидов.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Олмалиқ «Аммофос»и истиқболли корхона

Мамлакатимизда фосфорли ўғит ишлаб чиқарувчи учта йирик корхона бор. Улардан бири — Олмалиқ «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти. Жорий йилнинг ўтган уч ойида кимёгарлар истеъмолчиларга 52 минг 395 тонна фосфорли аммофос етказиб беришди. Бу шартномадагидан салкам беш минг тоннага кўп бўлиб, республика бўйича тайёрланган шу турдаги ўғитнинг саксон фоизидан ошиқроғини ташкил этади.

Мутахассисларнинг фикрича, фосфор конлари дунёда унчалик кўп эмас. Таркибида 31 фоиз фосфор бор конларгина жаҳон амалиётида истиқболли ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, Қизилқум сарҳадларидан топилган кон анча бўлиб, Олмалиқ кимёгарлари учун бу айни муддао. Ўтган йили корхонада 145 минг тонна соф ҳолдаги фосфорли ўғит ишлаб чиқарилган бўлса, бунинг 118 минг тоннаси айни ана шу маҳаллий хомашёдан тайёрланди.

Яна бир гап. Корхонада мулк шакли ўзгартирилди. У очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиб, акция пакетларининг катта қисми очиқ савдога чиқарилди. Бу эса хорижий инвесторлар иштирокида мавжуд технологияни замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот турларини янада кўпайтириш имконини беради.

ЎЗҲДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

● **ЎзҲДП Сурхондарё вилоят, Чирчиқ, Гулистон шаҳар ҳамда Акмал Икромов, Боёвут, Меҳнатобод, Оқолтин, Оҳангарон, Сирдарё, Собир Раҳимов, Ховос, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Ҳамза туман кенгашлари**нинг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотларининг МК V пленуми қарорларини бажариш юзасидан вазифалари ҳамда уларнинг «Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилишидаги иштироки масалалари кўриб чиқилди. Пленумларда, шунингдек, партия ташкилотлари фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

● **Жиззах вилоят партия кенгаши**да партия фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ҲДП шаҳар ва туман кенгашларида ўтказилган пленумлар якунлари, ҳудудий партия тузилмалари фаолиятини яхшилаш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилиниб, бажариладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

● **ХДП Данғара туман кенгаши** томонидан, аҳолининг сиёсий фаоллигини ўстириш, сиёсий маданиятини юксалтириш мақсадида, ўтказилган навбатдаги тадбир ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш ва партия депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш мавзусида бўлди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби З.Ҳамралиева ҳамда ҳудудий партия гуруҳлари етакчилари Ш.Азимов, А.Маҳмудовалар сўзга чиқиб, тегишли масалалар юзасидан қатор таклифлар билдирдилар.

● ТАДБИР

Ҳайдовчи малакали бўлса

автотранспорт воситалари ҳаракатида нохуш йўл ҳодисалари рўй бермаслиги аниқ



Шаҳар ва туманларда, овулларда автомобиль транспорти йил сайин кўпаймоқда. Бу яхши. Аммо, бу ҳол йўл ҳаракати қоидаларини пухта билиш ва унга қатъий амал қилишни талаб этади. Таассуфлар бўлсинки, баъзи жойларда бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам айрим ҳайдовчилар «Йўл ҳаракати қоидалари»га амал қилишмаяпти. Белгиланган тезлик, светофор қоидалари ва йўл ҳаракати белгиларига риоя қилмаётган автомашина ҳайдовчилари айби билан унча-мунча нохуш ҳодисалар содир бўлмоқда.

Биргина Нукус шаҳрини олиб кўрайлик: шаҳарнинг серқатнов кўчаларидаги йўлак (тротуар)ларга автомашиналарнинг қўйиб кетилиши, пиёдаларнинг йўл ҳаракатини бузиб, ҳаракат қатновини кесиб ўтиши каби ҳоллар А. Дўсназаров, Ш. Рашидов, А. Шомуротов, Амир Темур номли, «Қорақалпоғистон» ва бошқа кўчаларда кўплаб учраяпти.

Яқинда республика Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида автомобиль ҳайдовчилари тайёрлашнинг ҳозирги аҳволи, тизимда йўл қўйилаётган камчиликлар ва мавжуд муаммолар, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигининг олдини олиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилишининг боиси ҳам шунда.

Йиғилишда ҳудудда автотранспорт воситаларини бошқарувчи-ҳайдовчилар тайёрловчи 43 та ўқув курси рўйхатга олинганлиги, уларда малакали ҳайдовчи кадрлар тайёрлаш билан бирга ўқиш-ўқитиш жараёнларида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги қайд қилиб ўтилди. Масалан, ўтган йили «Ўзавтотранс» корпорациясига қарашли ўқув курсларида тайёрланган 759 нафар бўлажак ҳайдовчидан 512 нафари, касб-ҳунар бошқармаси ва республика халқ таълими вазирлигига қарашли курсларда 2805 тадан 1880, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли курсларда 515 нафардан 354, шунингдек, бошқа соҳалар бўйича курсларда 988 ҳайдовчидан 679 нафари муваффақиятли имтиҳон топшириб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олишга муяссар бўлди. Рақамлардан кўриниб турибдики, қанчадан-қанча кишилар бундай курсларда ўқиган бўлсалар-да, дастурий машғулотларини ўзлаштиролмай ҳайдовчилик гувоҳномасини ололмаганлар.

Айни пайтда жойларда автодромлар талаб даражасида жиҳозланмаган. Айрим туманлардаги курсларда автодромнинг ўзи йўқ. 2001 йил 1 мартдан кучга кирган «Йўл ҳаракати қоидалари» дарсликлари ҳалигача ўқув курсларига етказиб берилмаган. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, жойларда йўл ҳаракати нохуш ҳодисаларининг такрор-такрор содир бўлишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда ҳайдовчилар тайёрлашдаги ишларни тубдан яхшилаш ва келгуси муҳим вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти «Иқтисодиёт» факультети қошида

«АГРОБИЗНЕС» КЛУБИ

очилди. Клубнинг асосий мақсади — талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган.

Маълумки, бундай клублар фаолияти хорижий мамлакатлар ўқув юртлари тажрибасида синалган бўлиб, бугунги кунда у таълим-тарбия тизимига самарали таъсир кўрсатмоқда. Институт жамоаси бир неча йилдирки, АҚШнинг Колорада университети жамоаси билан ҳамкорлик қилаяпти. Ўзаро фикр алмашув ва мулоқотлар йўли — мазкур клубнинг институтда ташкил этилишида ҳам америкалик талаба ва ўқитувчиларнинг хизмати катта бўлди. Клубга нафақат институт доирасида, бошқа олий ўқув юртлари ёшларининг жалб этилиши ҳам кўзда тутилган.

Тадбирда АҚШнинг Колорада университетидан ташриф буюрган профессор-ўқитувчилар иштирок этишди.

Умида ХОЛМИРЗАЕВА

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАСИ АЛБАТТА КЕРАК, АММО...

ҲАЛИ БУ БОРАДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН БИР ҚАТОР МУАММОЛАР БОРЛИГИ ҲАҚИДА ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 25 МАРТ ВА 8 АПРЕЛЬ СОНЛАРИДА ТУРКУМ МАТЕРИАЛЛАР БЕРИЛГАНДИ. БУГУН ШУ МАВЗУДА СУРХОНДАРЁЛИК ВА ФАРҒОНАЛИК ТАДБИРКОРЛАР БИЛДИРАЁТГАН МУЛОҲАЗАЛАРГА ҲАМ ҚУЛОҚ ТУТИНГ...

Фараз қилинг, бир фуқаро тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдириб, шу ишга қўл урди. У аввало ишни маҳаллий ҳокимиятга ариза беришдан бошлайди ва ҳокимият қарорини олиб, солиқ ва бошқа ташкилотлардан рўйхатдан ўтади.

Хўш, дейлик, фуқаро қўлига ҳамма ҳужжатларни олди ҳам. Энди у ишни нимадан бошлаши керак? Табиийки, у бошқа шаҳар ва вилоятлардан товар-моддий бойликлар олиб келиб сотмоқчи бўлади ва шунинг эвазига қандайдир даромад топишни мақсад қилади. Лекин олиб келинган молларни сотиш учун тадбиркорнинг дўкони ҳам бўлиши керак. Дўконда сотиладиган моллар, албатта, назорат-касса машинасидан ўтиши ва нақд пул банкка топширилиши шарт. Бу давлатимизнинг кейинги йилларда пул эмиссиясини камайтириш учун кўраётган чора-тадбирларидан бири.

Бу ишларнинг ҳаммаси яхши. Лекин у ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек самара бермаяпти.Тадбиркорларимиз орасида назорат-касса машинасини ишлатишдан кўра «бошқа» йўлларни излаётганлари оз эмас.

Вилоятда аҳволни ўзгариш шуни кўрсатдики, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи айрим одамлар, савдо шахобчаларида ҳукумат қарорига мос тарзда иш тутишдан бўйин товлаб, даромадини яширишга ҳаракат қилишяпти. Айбдорлар албатта, қонуний жазолар олишмоқда. Лекин гап кимнидир жазолашда эмас-да. Гап — юрт истиқболини юксалтириш, халққа хизмат қилиш ҳақида бораяпти. Шундай экан, қонун-қоидаларга амал қилиш масаласи нега уларга «оғир» ботмоқда? Нега назорат-касса машиналарини ишлатишмайди? Нима учун савдо қилинган нақд пулни банкка топшириш ўрнига, яширишга ҳаракат қилишади? Қолаверса, савдо пулини банкка топширганда ҳам, топширмаганда ҳам — шу пул унинг ўзиники эмасми? Тадбиркорларимиз назорат-касса машиналарини қаердан сотиб олишлари мумкин?

Жўрабек МАМАТҚУЛОВ, Термиз туманидаги фирма бош директори:

— Тадбиркор тадбиркорликни йўлга қўйишда унинг бошланғич капитали ё йўқ, ё борларининки ҳам жуда кам бўлади. Улар бу пул маблағларини товар сотиб олиш учун ишлатишни мўлжаллашади. Лекин иш бошлашдан олдин назорат-касса машинасини сотиб олиши керак... Ҳозир 1 дона бундай машина нархи камида 150 минг сўмдан 350 минг сўмгача. Шу ерда савол туғилади, тадбиркор жамғариб юрган 200-300 минг сўмига назорат-касса машинаси сотиб олсинми ё товар?

Баъзи тадбиркорларимиз юридик шахс мақоми билан фаолият юритишни мақсад қилиб иш бошлашади. Низомини кўрсангиз фонд 50 минг сўмдан 200 минг сўмгача кўрсатилган. Бу пулга у назорат-касса машинаси сотиб олишдан кўра, товар олиб, аста-секин ўзини тиклаб олишни ўйлайди. Бундан ташқари назорат-касса машинасини рўйхатга олиш кейинги 6-7 йилда бир неча бор ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1996, 1997, 1998, 1999 йилларда назорат-касса машинасини рўйхатга олиш ҳар йили янгиланиб турди. Кореяда ишлаб чиқарилган «Самсунг ER-100», Японияда ишлаб чиқарилган «ROYAL», «SHARP» каби русумли назорат-касса машиналари 1996 йилда сотиб олиниб, рўйхатдан ўтказишга рухсат берилганди. 1997 йилга келиб эса бу машиналарни ишлатиш бекор бўлди. 1998 йилга келиб яна рухсат этилди, 1999 йилда эса яна бекор қилинди. Ҳозир кўпгина тадбиркорларимизда 1990, 1996, 1997, 1998, 1999 йилларда сотиб олинган назорат-касса машиналари бор, лекин ишлатишга рухсат йўқ. Рухсати борларига ҳам яна кўпи билан 1-2 йил ишлатишга рухсат берилган. Чунки уларда фискаль хотираси йўқ эмиш.

Шу ерда яна савол туғилади: **биринчидан, т**адбиркорнинг мол-мулки шахсий, хусусий ҳисобланади, нимаики сотиб олса, унинг ўз иши. Ҳар бир сотиб олинган товарнинг юк хати (накладной) ёки сотиб олинганлиги тўғрисидаги ҳужжати бўлади. Агар у юридик шахс бўлса барча ҳужжатларнинг кирим-чиқими ҳам бор. Қанчалар товар сотиб олди, қанчасини сотди, қанча соф фойда кўрди, шундан солиққа қанча тўлайди, (бошқа тўловлар ҳам) — барча-барчаси ҳисобот балансида акс этади. Яширилган даромад учун солиқчилар томонидан 100 фоиз жарима белгиланган. Беш юз минг сўм даромадни яширсангиз, 1 миллион қилиб тўлаш керак, бу ҳар бир тадбиркорни тўғри ишлашга даъват қилади.

Тадбиркор ўз молини назорат-касса машинасидан ўтказиб сотса ҳам, ўтказмасдан сотса ҳам, товар уники. У барибир ишларини янада ривожлантириш йўлини ўйлайди, бунинг учун тиниб-тинчимайди. Олиб келиб сотилган товарлар пулини банкка нақд пул қилиб топшириши ҳам керак-ми, топширади. Лекин бунинг учун сақлаб қолиш хотираси бор бўлган назорат-касса машинаси бўлиши шартми? Масалан, якка тартибда фаолият юритувчи ва патент билан тадбиркорлик қилаётган тадбиркорлар ой сайин белгиланган патент суммасини тўлаб фаолият олиб боришаяпти. Бундай тадбиркорларга касса аппаратининг бўлиши шарт-ми? Чунки, кейингни пайтларда бозорда савдо қилувчи шу тоифадаги тадбиркорлар ҳам касса аппарати олиши ва ишлатиши керак эмиш, деган гаплар юрибди.

Иккинчидан, юқорида айтганимиздек, эндигина иш бошлаган ва қанчалар машаққат билан, кимлардандир қарз олиб иш юритмоқчи бўлган тадбиркор истайсизми-истамайсизми, тезроқ товар сотиб олиш пайида бўлади. Ҳатто 50-60 минг сўмлик маблағи билан ҳам иш юритмоқчи бўлишади. Улар бир амаллаб корхона, фирма, ташкилот ташкил этсаму, кейин банкдан қарз олиб, ишларимни йўлга қўйсам, деб ўйлашади. Банкдан эса қарз олишнинг ўзи бўлмайди. Бу — яна бир муаммо.

Қобил ТОЖИЕВ, Термиздаги «Ал-Амин» хусусий фирмаси бошлиғи:

— Мен назорат-касса аппаратисиз ишлаш керак, деган фикрдамасман. Ўйлайманки, барча тадбиркорлар бундай машинанинг зарурлигини ҳам ва унинг аҳамиятини ҳам яхши билишади. Лекин айрим таклиф ва мулоҳазаларим бор: айтайлик, касса аппаратини сотиб олишга иложи бўлмаган, маблағи кам тадбиркорларга имтиёзли равишда (марказлаштирилган ҳолда) касса аппарати тарқатилса бўлмайдими? Улар кейинчалик аппарат пулини ҳар ойда оз-оздан тўлаб борса ҳам бўлади-ку? Қолаверса, бу давлатга ҳам, тадбиркорга ҳам қулай эмасми? Энг муҳими, иш юришган бўларди.

Бундан ташқари, тадбиркорнинг банкка топширган нақд пулларини ҳам банкдан эркин олишини йўлга қўйиш керак. Энг катта муаммо шу ерда. Агар ушбу муаммо ҳал этилса, касса аппаратисиз ҳам одамлар пулларини банкка ўзлари топширишадиган бўлишади. Афсуски, бизда ҳамон банкларимиздан нақд пул олиш, тўғрироғи, ўз пулингни олиш оғир муаммо бўлиб турибди.

Биз ушбу масала юзасидан вилоят Марказий банки бошқарувчиси Ўрол ҲИММАТОВга мурожаат қилдик.

— Албатта, ҳозир нақд пул билан таъминлаш масаласи «муаммосиз» десам нотўғри бўлади. Чунки нақд пул тушуми ҳақиқатдан суст. Вилоят бўйича биринчи галда нафақалар, бюджет ташкилотларининг ойлик маошларини вақтида тўлашга ҳаракат қилаяпмиз. Ўқитувчилар ва шифокорларга тўланадиган иш ҳақлари, талабаларнинг степендиялари учун нақд пул тўлашда баъзан қийналиб ҳам қоляпмиз. Сабаби... банкларга пул етарлича тушмаяпти. Мавжуд савдо ташкилотларининг ўтган йилларга нисбатан пул тушуми сезиларли камайди.

Хулоса ойдин: тадбиркорликни ва савдо-сотиқ билан шуғулланишни орзу қилган юртдошларимиз саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш керак, албатта. Лекин улар учун зарур назорат-касса машиналарини кредитга ёки тўловини енгиллаштирилган усулларда сотиб олишларига имкон яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ДЎКОННИ ОЧАЙ ДЕСА...

— Қишлоғимиз гузарида бир эмас, тўртта хусусий дўкон ишлаб турган эди, — дейди **Олтиариқ туманидаги Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи О.БЕРДАЛИЕВ.** — Бироқ анчадан буён уларнинг иккитаси бекилиб қолди. Суриштирсак, улар назорат-касса машиналари йўқлиги сабабли беркитилган экан. Дўкондорлар уни бирор жойдан олай деса анқонинг уруғи эмиш...

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида **вилоят солиқ бошқармасининг савдо бўлими бошлиғи У.НИШОНОВ**га мурожаат қилдик.

— Тўғри, — деди у, — турғун савдо залига эга бўлган ҳар қандай савдо дўконида албатта назорат-касса машинаси ишлаши лозим. Вилоятда ҳозир 5925 дона фискаль хотираси йўқ назорат касса машиналари алмаштирилиши керак. Бугунга қадар ноқонуний рўйхатдан ўтган ва ишлаб турган ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда давлат корхоналарига қарашли турғун савдо дўконларининг катта қисмида шундай машиналар ўрнатилган. Лекин ҳали ўшаларнинг эҳтиёжи учун ҳам 1,5 минг дона атрофида касса машиналари талаб қилинади. Бунинг устига улар қиммат: 150-200 минг сўм атрофида...

...Дўкондорлар эътирозини ҳам тушунса бўлади.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН:

Яна эслатиб ўтамиз, газетамизнинг шу йил 25 март, 8 апрель ва бугунги сонларида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан тайёрланган айни шу мавзудаги туркум мақолаларда шу куннинг долзарб муаммоларидан бири қаламга олинди. Уларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар, таклиф ҳамда истаклар, мушоҳадалар асосида кўрилган-кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан бир қатор мутасадди муассасалар мутахассисларига мурожаат қилдик.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси Зафар Омонович ФАЙЗИЕВ:

«...кейинги вақтда савдони тартибга солиш борасида республика Ҳукуматининг қатор қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар чиқарилди, савдо қоидаларига риоя қилмаганлик учун жавобгарлик кескин оширилди.

Аҳоли талабини тўлароқ қондириш ва нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 62-қарорига мувофиқ барча вилоятларда кенг турдаги ноозиқ-овқат моллари билан савдо қилишга мўлжалланган улгуржи базалари ташкил этилди.

Савдога қулайлик яратиш мақсадида халқ истеъмол товарларини саноат корхоналаридан улгуржи савдога тўғридан-тўғри етказиб беришга ҳамда республика халқ истеъмол молларини кўпайтириш ва сифатини ошириш ҳақида саноат тармоқларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-қарори билан «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари» ва «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари» тасдиқланди. Бу қоидаларга биноан турғун савдо шахобчаларида чакана савдо фаолияти юритиш учун талаб этиладиган шарт-шароитлар, рухсат этилган назорат-касса машиналари бўлгандагина рухсатнома берилади.

Фикримизча, вужудга келган аҳволнинг асосий сабаблари: назорат-касса машиналарини фискаль хотирали турларига алмаштириш талаби, уларнинг кичик корхоналар учун қимматлиги; савдо фаолияти билан шуғулланувчиларни қайта рўйхатдан ўтказилиши билан боғлиқ айрим муаммолар ва чеклашлар; белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилишни талаб этилиши ва қоида бузилганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилиши; сотиш учун маҳсулот олишда пул ўтказиш билан нақд пулга сотиб олиш ўртасида тафовут мавжудлиги; савдо қилиш, алкогол ва тамаки маҳсулотларини сотиш учун рухсатнома олишга тўланадиган йиғимлар қимматлиги ва ҳоказолар.

Чакана савдо айланмасини ошириш ва нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси томонидан Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорлик тузилмаларини рўйхатга олишни соддалаштириш, рухсатнома учун йиғимларни камайтириш, чеклашларни қисқартиришга оид таклифлар киритилди. Барча ҳудудий «Савдо» акциядорлик компанияларига пул тушумини кўпайтириш бўйича зарур чоралар кўриш ҳақида тавсиялар (27.03.2003 й. № 06-1/11-93) юборилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан фискаль хотирага эга бўлмаган назорат-касса машиналарини янги русумдаги, фискаль хотирага эга бўлганларига алмаштиришга тўлиқ ўтиш муддатини 2004 йилнинг 1 январига қадар узайтириш ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда шундай назорат-касса машиналарини етарли даражада ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича таклиф киритиш ҳақида республика Давлат солиқ қўмитасига топшириқ берилган...»

Кўриниб турибдики, савдода қулайлик яратиш мақсадида истеъмолчиларга халқ истеъмол товарларини тўғридан-тўғри етказиб бериш ва уларнинг ҳажмини ҳам, сифатини ҳам ошириш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Савдо шахобчаларида чакана савдо фаолияти юритиш учун керакли шарт-шароитлар яратилмоқда. Чунончи, чакана савдо айланмасини ошириш ва нақд пул тушумини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига тадбиркорларни рўйхатга олиш жараёнларидаги расмиятчиликларни соддалаштириш, рухсатнома йиғимларини камайтириш, ҳар хил чеклашларни қисқартириш ва фискаль хотираси бўлмаган назорат-касса машиналарини янги русумли машиналар (фискаль хотиралиси)га алмаштириш муддатларини узайтириш ҳамда бундай машиналарни сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш юзасидан таклифлар киритилди. Қолаверса, айни кунларда Давлат солиқ қўмитаси «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда фискаль хотирали назорат-касса машиналари ишлаб чиқарилишини кўпайтириш устида изланишлар олиб бормоқда.

Ўйлаймизки, кўрилаётган чора-тадбирлар яқин вақтлар ичида ўз самарасини беришига ҳам умид бор.

МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Шофирконлик тадбиркор

Раҳмат ака Исаев тумандаги қурилиши тугалланмаган бинони 12,5 миллион сўмга сотиб олгач, капитал таъмирдан чиқарди ва бу ерда терини қайта ишлашга ихтисослашган цех ташкил қилди. Айни кунларда цехда қорамол териси ошланиб, рангланиб, тайёр чармдан бири-биридан бежирим маҳсулотлар — болалар, катталар ва аёллар учун ҳар хил пойабзаллар, курткалар ишлаб чиқарилмоқда.

Яқинда тадбиркор ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида, Ташқи иқтисодиёт Миллий банкининг Шофиркон туман бўлимидан 7 миллион сўм миқдорида кредит олди. Бу маблағга у цехда янги иш ўринларини яратиш ва бозорбоп, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирган.

✧✧✧

Суратларда: тадбиркор Раҳмат Исаев ва тайёр маҳсулотлар туркуми.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

Яқин Шарқда эркин савдо ҳудуди

АҚШ Президенти Жанубий Каролина штатидаги университет битирувчилари олдида сўзга чиқиб, яқин 10 йил ичида Яқин Шарқда эркин савдо ҳудудини барпо этиш борасида ҳаракат қилажагини билдирди. Бунинг учун у ерда тинчлик ўрнатилиши лозим. Айнан шу тинчлик ўрнатиш йўлида АҚШ бор куч-ғайратини ишга солишга тайёрдир, дея хабар беради CNN телекомпанияси.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Америка Яқин Шарқ мамлакатларига жорий қилган барча чекловларни бекор қилишни мўлжаллаб турибди.

Буш баёнот бердики, давлат котиби Колин Пауэлни Яқин Шарққа махсус топшириқ билан, яъни Исроил ва Фаластин ўртасида ўзаро тинчлик, ҳамкорлик музокараларини олиб боришга жўнатмоқда.

Яқин Шарқда эркин савдо ҳудудининг барпо этилиши кичик ва ўрта бизнес ривожига йўл очади, коррупция ва ўзаро тил бириктиришлар ўрнини адолатли, эркин бозор муносабатлари эгаллайди, деди Буш. Унинг эслатишича, АҚШ Исроил ва Иордания билан эркин савдо борасида ўзаро келишиб олган. Энди йил охиригача Марокко билан савдо шартномаси тузишга эришмоқчи.

Буш жаноблари шуни алоҳида таъкидладики, Исроил ва Фаластин ўртасида тинчлик ўрнатиш, мустақил Фаластин давлатини тузишга эришиш йўлида куч-ғайратини аямайди.

Ҳарбийларини жўнатмоқчи

Нидерландия Мудофаа вазирлиги 600 кишилик денгиз пиёдалари батальонини ва «Апач» вертолётлари эскадрильясини Ироқ жануби — Басра шаҳрига жўнатишни мўлжаллаб турибди. Беш зобитдан иборат уларнинг биринчи гуруҳи жўнаб кетди, дейилади «Новости» ахборотида. Уларга Голландия контингенти жойлашадиган ҳудудни ўрганиш топширилган. Ҳарбийларни Ироққа жўнатиш юзасидан якуний қарор 16 май куни Мудофаа вазирлиги томонидан қабул қилинади. Сўнг бу қарор мамлакат парламенти томонидан қўллаб-қувватланиши лозим.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа халқаро барқарорлаштириш кучлари жўнатиш юзасидан ҳали бирор-бир қарор қабул қилмаган.

Голландия тинчлик кучлари ҳозир Афғонистондаги халқаро кучлар таркибида хизмат қилмоқда.

Авиақатновлар йўлга қўйилмоқда

Бағдоддан Оммонга биринчи тижорат авиақатнови амалга оширилганлиги ҳақида хабар берган эдик. Эндиликда бу авиақатновлар тобора жонланиб бормоқда. Жумладан, Ироқ авиакомпанияси Дубай (БАА)га ҳам парвозни йўлга қўймоқда.

Эслатиб ўтамиз: БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан 1990 йили жорий этилган санкцияга биноан Ироқда халқаро авиақатновлар амалга оширилмаётган эди. Фақат 2000 йилдагина Ҳаж зиёрати муносабати билан Саудия Арабистонига парвоз амалга оширилган.

1991 йилдан бошлаб Ироқнинг фуқаро авиацияси фақат уч давлат — Эрон, Иордания ва Тунисга авиақатновларни амалга ошириб келган. Эндиликда эса уларнинг учиш географияси анча кенгаймоқда. Бунинг учун имкониятлар ишга солинмоқда.

«Новости» ахборот агентлигининг Эн-Би-Си телекомпанияси манбаларига асосланиб хабар беришича, Американинг «Норсуэст эйрлайнс» авиакомпанияси маъмурияти Детройтдан Бағдодга йўловчилар авиақатновини жорий этишга рухсат беришларини сўраб АҚШ ҳукуматига мурожаат этган. Авиакомпания маъмурияти «бу қатновларнинг жорий этилиши ўн йиллар аввал узилган АҚШ — Ироқ савдо алоқаларининг қайта тикланишига имконият яратади» дея ҳисобламоқда.

Шунингдек, «Уорлд аэйруэйз» ва «Норс Америкэн эйрлайнс» авиакомпаниялари ҳам АҚШ — Ироқ ўртасида юк самолётлари парвози қайта тикланишини сўраб АҚШ транспорт вазирлигига мурожаат этган.

Mercedeslар чақириб олинади

General Motors концерни 1997-98 йилларда ишлаб чиқарилган автомобиль моделларида техник носозлик мавжудлиги сабабли 570000 та автомобилни чақириб олишини яқинда маълум қилган эди. Энди эса Mercedes компанияси маъмурияти ҳам 1998 йил майдан 2000 йил декабргача бўлган муддатда ишлаб чиқарилган ва Германияга сотилган 68000 нусха Mercedes M-Class русумли автомобилларини руль механизмидаги носозлик сабабли чақириб олишга қарор қилди.

Auto Motor and Sport нашрида ёзишларича, бу носозлик қачондир автоҳалокатга олиб келиши мумкин. Шунинг учун нафақат Германияга сотилган автомобиллар, балки бошқа мамлакатларга сотилганлари ҳам компания дилерлари ёрдамида чақириб олиниб, текинга созлаб берилади. Созлаш учун эса 5-10 дақиқалик вақт кетади, холос.

● МУНОСАБАТ

Билим ва маҳорат уйғунлашса

Кейинги йилларда халқаро журналистика соҳасида фаол меҳнат қилаётган Иброҳим Норматовнинг «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган «Билиш бошқа, шарҳлаш бошқа» сарлавҳали мулоҳазаларини ўқиб жуда қувондим. Бу билан муаллиф миллий журналистикамизнинг заиф бўғинларидан бирига жамоатчилик эътиборини тортади. Дунёда ўзаро боғлиқлик тамойили тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда, халқаро майдонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан мунтазам хабардор бўлиш, уларнинг юзага келиши ва ривожланиши сабабларини билиб олиш, мустақил Ўзбекистон ҳукуматининг уларга муносабати ҳақида аниқ тушунчаларга эга бўлиш нафақат билим орттириш, балки амалиёт учун ҳам аҳамиятлидир. Зеро, олис ўлкаларга йўл олган сайёҳга ҳам, узоқ денгиз курортларида дам олишни мўлжаллаётган кишиларга ҳам, халқаро анжуманда иштирок этишга ҳозирланаётган дипломатга ёки бошқа мамлакатлардан янги шериклар топиш ниятида бўлган тадбиркорга ҳам борадиган жойлардаги табиий ва сиёсий иқлимни, иқтисодий ривожланиш даражасини, валюталар курсини, йўллар хавфсизлигини, кўрсатиладиган хизматлар тури ва сифатини, жуда кўплаб бошқа омилларни ҳисобга олиш зарур.

Албатта, оммавий ахборот воситалари, хусусан электрон воситалар орқали кундалик воқеалар тўғрисида кўп нарсани билса бўлади. Лекин, тезкор хабарлар, шингил маълумотлар ҳаммани ҳам қондира олмайди. Чунки, шошилинч ахборотларда шовшув, янгилик, эскирмаганлик хусусиятлари бўлгани билан уларда таҳлил, масаланинг ўзагига назар ташлаш, сабабларини кўрсатиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу тезкор ахборот жанридан талаб ҳам қилинмайди.

Аммо жаҳон тажрибаси халқаро ҳаёт ҳақидаги қисқа ахборотлар билан бирга воқеалар чуқур таҳлил этилган, ҳозирги замон нуқтаи назаридан изоҳланган, содда тилда ёзилган мақолалар ёки мароқли қилиб экранда намойиш этилган кўрсатувларга ҳам қизиқиш катталигини кўрсатмоқда. Бу вазифани, анъанага кўра, сиёсий шарҳловчилар бажарадилар. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқаро шарҳловчиларнинг янги авлоди шакллана бошлади. Радио ва телевидениеда мунтазам чиқаётган, газеталар саҳифаларида шарҳлари тез-тез босилаётган халқаро журналистлар қатори кенгайиб бормоқда. Бироқ, И.Норматов ёзганидай, эътиборни тортадиган халқаро шарҳлар ҳамда ҳозиржавоб халқаро шарҳловчилар ҳамон жуда кам. Берилаётган шарҳларда чуқур мушоҳада ва вазмин хулосалар деярли йўқ. Айрим ёш ҳамкасбларимиз шарҳларида бошқа давлатлар раҳбарлари ва ҳукуматларига ақл ўргатишга мойиллик борлиги сезилади. Шарҳловчининг муайян воқеа тўғрисида ўз фикрини айтиши, муносабатини билдириши шарт. Аммо, бу жуда нозик масала усталик ва эҳтиёткорликни талаб қилади. Афсуски, шу соҳада ишлаётган баъзи бир журналист дўстларимизда ўз ижодий услуби, профессионализм етишмаяпти.

Мен ёш ҳамкасбларни айблаш фикридан йироқман ва бундай аҳвол халқаро журналистика билан шуғулланишга бел боғлаганларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларнинг самарали ишлашлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашдаги мавжуд нуқсон ва қусурларнинг оқибати, деб биламан. Бошқа соҳалар каби бу соҳани юксалтиришнинг ҳам асосий омили кадрлар эканлигидан келиб чиққан ҳолда, И.Норматовнинг олий ўқув юртларида халқаро журналистика ихтисоси бўйича мутахассисларни тайёрлашни яхшилашга оид фикрлари эътиборга молик, деб биламан. Ўз навбатида, иқтидорли талаба — бўлажак халқаро журналистга чуқур билим бериш, билимларга ҳамиша чанқоқлик ҳиссини шакллантириш (чунки, ушбу касб эгасининг кўп соҳалардан пухта билимлари бўлиши зарур), асосан, олий ўқув юртида амалга оширилса, унда воқеаларни қоғозда шарҳлаш, «зангори экран» қаршисида сўзлаб бериш ёки микрофон олдида изоҳлаш кўникмаси бевосита оммавий ахборот воситалари таҳририятларида, радио ва телестудияларда ишлаш жараёнида ҳосил бўлади, деб ўйлайман. Фикримча, талаба таҳририятга қанча эрта келиб (агар у, ҳеч бўлмаганда, жамоатчилик асосида ишга олинса-ю), бирон тажрибали халқаро журналистга шогирд тушса (ҳозир айрим таҳририятларда журналистиканинг бошқа соҳаларида бунга амал қилинмоқда) ва бундай устоз-шогирдлик мақоми таҳририят ҳамда олий ўқув юрти маъмурияти томонидан расмийлаштирилса, унинг яхши натижа бериши шубҳасиз. Шу йўлдан борилса, кенг кўламли билимлар журналистик маҳорат билан уйғунлашиб, кучли халқаро шарҳловчилару мароқли ва сермазмун шарҳларнинг пайдо бўлиши турган гап.

Ҳар бир газета, журнал таҳририяти, телевидение ва радиода ўзининг ҳозиржавоб халқаро сиёсий шарҳловчиси бўлиши мазкур ОАВнинг обрўси ошишига, тиражлари кўпайиши, рейтинги кўтарилишига хизмат қилиши мумкин. Лекин бунинг учун бундай малакали мутахассисларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни йўлга қўйиш (кўпгина мамлакатларда сиёсий шарҳловчилар энг кўп маош оладиган журналистлар қаторига киradилар), улар орасида махсус ижодий кўрик-танловларни ўтказиб туриш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Орамизда хорижий тилларни яхши билмайдиганлар анчагина эканлигини ҳисобга олиб, ўзбек тилида турли мамлакатлар даврий матбуотининг дайжестини чиқариш ҳам фойдадан холи бўлмас эди. Бундай газета ёки журнални нашр этиш мақсадида, унинг оммабоп бўлишига ҳаракат этиб, эркин сотувга чиқариш, ҳомийларни жалб қилиш ва хорижий жамғармалар грантларини олишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Ва, ниҳоят, ушбу йўналишда меҳнат қилаётган ижодкорларни бирлаштирувчи, уларга касбий маҳоратларини оширишга, илғор тажрибани оммалаштиришга, чет эллик ҳамкасблари билан алоқаларни ўрнатишга бевосита кўмаклашувчи, зарурат туғилганда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон халқаро журналистлари ассоциацияси (уюшмаси)ни тузиш учун вақт етди, деб ҳисоблайман. Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишига ишонаман.

Собир ҚУРБОНОВ

Барча йўллар Хоразмга элтади

ЭРТАГА УРГАНЧ ШАҲРИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2003» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Тўғриси, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган анъанавий «Умид ниҳоллари» мусобақаларига Хоразмда қизғин тайёргарлик кўришди. Қисқа фурсатларда вилоят маркази Урганч шаҳрида йирик спорт мажмуаси қуриб битказилди. «Олимпия» ўйингоҳи қайта таъмирланди. Эндиликда чиройига чирой қўшилган бу спорт мажмуи «Хоразм» деб юритилади. Воҳада илк бора сув мусобақаларига мўлжалланган бассейн бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, спортнинг ўн икки тури бўйича бўлиб ўтадиган чемпионат учун ҳамма нарса ҳозирланган. Урганчда минг нафардан ортиқ талаба таҳсил оладиган «Олимпия» заҳиралари спорт коллежининг қурилиши ҳам спортга катта эътибор берилаётганининг натижасидир.

Боғот тумани Искандар Дўсов номли ширкат хўжалигидаги ўн минг томошинга мўлжалланган ўйингоҳ қайта таъмирланди. Футбол мусобақалари айнан шу ерда ўтказилиши режалаштирилган. Хива шаҳридаги спорт иншоотлари ҳам қайта таъмирланиб, учрашувларга тахт қилиб қўйилган.

Бунёд этилган иншоотларда ҳар бир хоразмликнинг улуши бор, десак тўғрироқ бўлади. Чунки ҳашар усулида амалга оширилган бу хайрли ишга вилоятдаги барча корхона-ташкилотлар, хўжаликлар, тадбиркорлар, фермерлар, оддий фуқаролар, саховатли инсонлар ҳомийлик қўлини чўзишди.

Мусобақалар баҳонасида вилоят марказининг янада яшнаб кетгани, кўчалар ва хиёбонлар, дам олиш масканларида мисли кўрилмаган ободончилик ишлари амалга оширилгани ҳам алоҳида тахсинга лойиқ.

Юртимиз ўғил-қизларининг севимли мусобақасига айланиб улгурган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг савияси ҳам, қатнашчилари сони ҳам йилдан-йил ортиб бормоқда. Ўтган йил Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2002»да 2366 нафар мактаб ўқувчиси иштирок этганди. Бу йилги мусобақаларда эса қатнашчилар сони 2604 нафарни ташкил қилмоқда. Мавжуд ўн бир спорт тури ҳам яна биттага кўпайди. «Умид ниҳоллари» дастурига бадиий гимнастика ҳам қўшилди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Тошкент шаҳри ёш спортчилари Хоразмга жўнаш олдидан.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Спорт — шодлик, соғлик, ободлик

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ОРҚАЛИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА



Спортни дўстлик элчиси, соғлик-омонлигимиз гарови, дея таърифлашади. Дарҳақиқат, айни замонда спортнинг юртга ободлик, саришталик, айниқса, файз бағишлашдек улуғ салоҳияти ҳам борки, буни Наманганнинг бугунги қиёфасида истиқлол шарофатидан гул-гул яшнаётган шаҳар ва қишлоқлари тимсолида яққол кўриш мумкин.

Йил бўйи вилоятда гоҳ халқаро, гоҳ мамлакат миқёсида спорт мусобақалари ўтади. Яъни юртдан меҳмон аримайди.

Бугунги кунда 29 та ўйингоҳ, 473 та спорт зали, 22 та сузиш ҳавзаси, 305 та отиш тири, 571 та баскетбол, 1754 та волейбол, 375 та қўл тўпи, 563 та футбол, 422 та мини-футбол майдонлари, 54 та теннис корти, 1 та велотрек, 2 та ипподром каби спорт иншоотлари спортсеварлар ихтиёрида. Ушбу масканларда 590 мингдан ортиқ киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда. Уларнинг 260 мингдан зиёди вояга етмаган ёшлардир.

Ўтган йилнинг ўзида шоҳмот бўйича республика, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси соврини учун курашнинг икки тури бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида мамлакат биринчиликлари, қўл тўпи бўйича қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати, бокс бўйича вилоят ҳокими соврини учун халқаро турнир, таэквондо бўйича Ўзбекистон кубоги, волейбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилгани фикримиз далилидир.



— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими, футбол, теннис, боксни ривожлантириш жамғармалари жисмоний тарбия ва спорт равнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Шокиржон Қоробоев. — Спорт билан шуғулланувчиларга имкониятлар тобора кенгайтирилмоқда. Жумладан, Давлатобод туманидаги футбол мактаби ўқувчилари учун «Навбаҳор» ўйингоҳи ва энг яхши футбол майдонларида шуғулланишлари, маҳоратларини оширишларига имконият яратилди. Ўтган йилнинг август ойида Наманган тумани маркази Тошбулоқ шаҳарчасида жаҳон андозаларига жавоб берадиган янги теннис мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Вилоятда спорт ўйинлари турларини янада ривожлантириш мақсадида 2002 йилда баскетбол, волейбол, қўл тўпи турлари бўйича олимпия ўринбосарлари тайёрлашга ихтисослашган БЎСМлари иш бошлади. Шунингдек, Учқўрғон туманида иқтидорли болалар спорт мактаб-интернати ташкил этилди.

Яқинда янги лавозимга ўтган танишлардан бирини учратиб қолдим. Ундан ҳолаҳвол сўрадим.

— Ишлар-ку юришиб кетди, — деди у, — Лекин, теннисни яхши билмай роса хижолат бўлаяпман. Катта-кичик ҳамма раҳбарлар теннисни қаттиқ ўйнашаркан.

Танишим ҳақ. Чунки вилоятда раҳбарлар учун ҳам қатор мусобақалар ташкил этиладики, қатнашмаслик мумкин эмас. Ҳар йили вилоят ҳокими қарори билан теннис бўйича «Ҳавас» турнири ўтади.

Ана шунақа. Наманган том маънода спорт вилоятига айланиб боряпти. Жисмоний тарбия айни замонда соғлом турмуш тарзини қарор топтирмоқда. Бу 2 йилдирки республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси эътирофига сазовор бўлмоқда. Яқинда қўмита раиси Комилжон Юсупов Наманганга ташриф буюриб, 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги VII анъанавий халқаро теннис турнири очилишида вилоят ҳокими Тўлқин Жаббаровга «Йилнинг энг яхши спорт вилояти» дипломини топширди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хотамжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

КРЕДИТОРЛАР ДИҚКАТИГА!

Наманган вилоят Хўжалик судининг 03.05.03 даги 16-0302-779-сонли ажрими билан қарздор Косонсой туманидаги «КОСОНСОЙ — ТЕКМЕН» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси **банкротлигига доир иш қўзғатилди.**

Суднинг ажримига асосан қарздор корхона кредиторларининг биринчи йиғилиши 2003 йил 14 май куни соат 10.00 да «Косонсой — Текмен» қўшма корхонаси биноси (Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси)да ўтказилади.

Кредиторлар ишонч қоғози ва солиштирма далолатнома билан йиғилишда иштирок этишлари керак.

Маълумот учун телефонлар:
Косонсой туман ДСИда (8265) 25-602; 24-074;
Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Наманган вилоят бошқармасида 3-48-76; 3-64-64.
Косонсой туман Давлат солиқ инспекцияси;
Иқтисодий ночор корхоналар ишлари Наманган вилоят бошқармаси.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Дилни дилга тил қовуштиради

Оилавий ҳаётда ҳам, жамоа, ёр-дўстлар орасида ҳам, севги-муҳаббатда ҳам дилни дилга боғлайдиган, кишиларни бир-бирига қовуштирадиган, ўзаро муносабатни мустаҳкамлайдиган нарса — яхши сўз, яхши муомала ва ширинсуханликдир. «Тилини билсанг, дилига йўл топасан» ҳам дейдиларки, бунда ўз эли, ўз миллати ё элатидан ташқари, ўзга миллат ва элатларнинг ҳам тилини билиш, ўрганиш зарурлиги, бу эса тил орқали уларнинг дилига йўл топиш, дўстлик ва қардошликни, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашнинг гарови эканлиги назарда тутилган.

Дилозордан худо безор

Кўпол, ҳақоратли сўзлари билан кишиларнинг дилига озор берувчи, уларни ранжитувчи, асабини бузувчи дилозорларни қоралайдиган бу мақолнинг: «Кимки бўлса дилозор, Ундан элу-юрт безор»; «Дилхушлик чоғда дилозорлик — ёмон»; «Безорида меҳр бўлмас, Озор бериб меҳри қонмас»; «Шаллақи одамдан итнинг акиллаши яхши»; «Кўча безори — она озори»; «Дилозорнинг жазоси — озор»; «Безори — элнинг ори» сингари вариантлари ҳам бор.

Довон ошган — чўққиларни кўзлайди

«Эгаллаган манзилнинг, эришган марранг, қўлга киритган ютуғинг билан кифояланиб қолмай, олға қараб юравер. Ҳаётнинг мазмуни — олға ва фақат олға интилишдан иборат», дейилмоқчи.

Донога илм — илм, нодонга эсиз илм

«Доно илмли бўлса, у олган илмини яхшилик тарафга буриб, ўзига ва эл фойдасига ишлатиб, илмига илм қўшиб, иззат-ҳурматга сазовор бўлади, Нодон, аҳмоқ одам иттифоқо илмли бўлиб қолса, ўз илмини ахмоқона йўлга ишлатиб, икки гапнинг бирида илмини рўкач қилиб, элни ранжитади. Бундайларга эсиз илм!», дейилмоқчи.

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 17 май, шанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 422

11547 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA